

«Ўзагросуғурта» АЖ акциядорлари диққатига!

«Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида маълум қилади.

Жамиятнинг номи ва жойлашган ери (почта манзили): «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти Тошкент шаҳри, Чилонзор 19-мавзе 61/2-уй.

Йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой: 2020-йил 14 март 11:00, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани 19-мавзе 61/2-уй, манзилидаги жамият мажлислар залида.

Жамият акциядорлари реестри тузиладиган сана:

- акциядорларни хабардор қилиш учун – 19.02.2020 йил;
- акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш учун – 10.03.2020 йил.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича Миллий аудит стандартлари ва Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитни ўтказиш мақсадида аудиторлик ташкилотлари ўртасида танлов ўтказиш ҳамда ушбу танлов натижасида ютиб чиққан номзодлардан бирини танлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига доир ахборотлар (материаллар) билан **Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани 19-мавзе 61/2 уй, жойлашган «Ўзагросуғурта» АЖ**нинг биносида танишиш мумкин. Жамиятнинг электрон почта манзили: info@agros.uz, веб сайти: www.agros.uz.

Телефонлар: +998 (71) 216-57-69

Акциядорлар ва уларнинг вакиллари 2020 йил 14 март куни соат 10:00 дан 10:55 гача рўйхатдан ўтказилади. Акциядорлардан шахсини тасдиқловчи ҳужжатга, акциядор вакилидан қонунчиликка асосан расмийлаштирилган ишончномага эга бўлишлари сўралади.

Жамият Кузатув кенгаши